

БУГУНГИ СОНДА



ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИНИ УЙЛАБ (1-4-саҳифаларда)

ЕР ЭГАСИНИ ТОПМАГАЧ...



ЮРТЛАРНИ ЮРТЛАРГА БОҒЛАЙДИ (1-3-саҳифаларда)

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

28 февраль кун Ислам Каримов бошқаришида 2002 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, кўмита, концерн, корпорация, банк ва бошқа молия муассасалари раҳбарлари иштирок этди.



Зангиота тумани марказий шифохонасига қарашли "Иттифок" маҳалласидаги қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда энг замонавий усулларни қўллаб келаётир. Ушбу шифо маскани энг зарур бўлган тиббий-техника жиҳозлари билан таъминланган.

Қолаверса, бу тиббиёт масканида ўз касбининг устаси бўлган тажрибали шифокорлар меҳнат қилишади.

СУРАТДА: қишлоқ врачлик пунктининг мудираси, тажрибали шифокор Манзура Назарова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ: ОЛТИНЧИ ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юн-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» анъанавий халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Баҳорнинг илк субҳи бир сиқим хур-хур ҳавони қафтар орасида тутиб тургудек фараҳбахш тонг бўлди. Ён-атрофга мусаффо ҳаводан зангори чодир тикилди. Деразаларини очиб юбордим. Шунинг кутиб тургудек пастки қаватда яшайдиган қўшнинг бедаллари сайраша тўшди. Кети-кетига уланаверди сайроқилиқнинг.

Ушбу ҳафтада қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда энг замонавий усулларни қўллаб келаётир. Ушбу шифо маскани энг зарур бўлган тиббий-техника жиҳозлари билан таъминланган.

Шофиркон туманидаги «Осиё» ширкат хўжалиги асосан узумчиликка ихтисослашган. Озроқ галла ҳам экади, пахта майдони ҳам бор. Ташқи бошқарувчиси Абдуҷаббор Латипов изланувчан, интилувчан раҳбар. Айниқса, матбуотга ихлоси баланд.

Туширмайдиган баланд ҳавозали тоғлар эндигина уйғонапти. «Эда келсангиз, бу жойлардан кетгингиз келмай қолди», - дейди Олимжон ака. Фарзандларим ана шу ҳаводан сиққориб қатта бўлдилар. Худода шўқ, ҳаммаси соғлом. Халол меҳнат эвазига тўйлар бериб, келинлар қилдим. Набираларимнинг ҳам Жилвон тоғига оғиб қиқиб қолди.

БУ ҚАДИМ ЙЎЛЛАР...

Қадим-қадимдан шу йўللار туфайли эл элли таниган, юрт юртни билган. Савдо қаровлари дарёю тоғтошлар оша Мағрибю Машриққа, Жанубу Шимолга қатнаган. Марказий Осиёдан ўтган, уни Чину Рум билан боғлаган Буюк йпак йўли бунинг аниқ исботидир.

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

Бўстонлик туманилик Толибжон аканинг ўта қўм-тойлик билан табассум қилиб турадиган чехрасига қўзи тугшган ҳар қандай тунд одамнинг қалби ёришиб, ййраб кетарди.

Ўткир ХОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Бу қисса катта-кичик новеллалардан иборат. Бироқ уларнинг барчасида мен учун энг азиз одам - онам сиймоси бор. Бундаги одамларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман. Фақат баъзиларининг исми ўзгарди, холос. Бу одамларнинг қисмати ҳам қайсидир жиҳати билан онамга боғланган.

ФАХР

Ўқитувчи - яратувчи инсон. У заҳматкаш бободекхон сингари ёшлар қалбига эзгулик уруғини қадасга, моҳир курувчидек юрт келажигини бунёд этади.

УЯТ КЕРАК...

Болалик пайтларимда, баъзан билиб-билмай уйдаги гап-гаштакларга «қатнашиб» қолсам, отам менга танбех берар ва албатта у кишининг танбехлари: «тинч ўтир болам, ўзингдан каттароқ одам гапирданда орага суқилма, уят бўлади» деган гап билан ниҳоланарди.

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЗИРАБУЛОҚДАГИ «ЗАҲАР» ФУРУШЛАР

«ТАЛОННИНГНИ ТЕШАМАН»

АХВОЛ ҚАЛАЙ, ҒАЛЛАҚА?

АХВОЛ ҚАЛАЙ, ҒАЛЛАҚА?

7 БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

ЖАЗО

Акмал аканинг ичини алам келтиради. Уч кундан бери кўксини зах ердан кўтармади. Исноднинг юки мағрур келбатино буюб кўйган. Ягона қизи, бутун меҳрини берган дилбанди бугун уни иснод ботқоғига ташлади.

—Шу пайтгача нахот билмадим? Фафлат босдимми? Билсам, эл-юртга ошкор қилмай, ўз қўлим билан ўлдириб қўя қолардим уни... Қўшлоқда "Акмалнинг қизи никоҳсиз бола кўрибди" деган хунук хабар яшан тизилганда тарқалди. Қора қозонда нима қайнаётганини-да билмайдиган қўн-қўшчилар "шарофати" билан бир оиланинг сирини қишлоққа ёйилиб бўлган.

Акмал ака шаҳарда бир hafta бўлиб қайтса, кўчада ҳат қелган катта-кичик қишлоқдош борки, галати қарайди. Дўрга салом беради-да, жуфтани ростлайди. У:

—Одамларга бир нима бўлганими, дейман... ҳамма галати, - дегор-дармиён қўшниси кўча бошида турган экан, ҳол-аҳвол сўраб шундай дея қўлди. Қўшниси кўзини ерга қалади.

—Ешлик қилган-да, қўшниси... Биламан, оғир, лекин худо сизга сабр берсин.

—Нима гап ўзи? — Акмал ака зийрак тортиди.

—Қизингиз... Хафа бўлман, ҳеч ким сизга қўлмади. Ҳозир бирова қуладиган замонам.

—Нима қилди қизингиз? Чиналмасангиз-чи?

—Отаси маълум-ку... Бўёни энди қичкина бўлса ҳам тўй қивор-сангиз...

Акмал аканинг оёқ-қўли бўшади. Титроқ ва нафрат билан нигоҳи қотганча туриб қолди. Қолган гаплар қўлоғига кирмасди. Вақоҳат билан дарвозадан кириб ҳовлида қўлмаланиб юрган хотинини дўппослай кетди, сунг... уёғини эсломлади. Хуллас тўшаққа мийланганча Акмал ака "Нега? Негар?" сўроғини бера-кан, беихтиёр кўз олдида Наргис гавдаланди. Ушанда, талабалик чоғларида у бир муштупар қизни алдаб ташлаб кетгани, кейинчалик қизнинг вафот этгани (қиз номус қилиб, дори ичиб ўзини ўлдириганили) сабабини Акмалдан бошқа ҳеч ким билмади) оғир хотира бўлиб ёдига тушди. Билдики, тақдирнинг бу йўлини қилмишга яраша жавоб экан.

Акмал ака аламдан инграб ерни муштлади. Начора, осмон узок, ер қаттиқ.

Фарида ИБРОҲИМОВА

ВАФОДОР ОТ

Бир даврада итнинг вафодорлиги ҳақида гап кетарди. Сухбатни зимдан тинглаб ўтирган Даврон бобо мавзуси охирига етганда, секингина гап бошлади:

—Лекин мен сизларга айтсам, отларнинг ҳам ўз эгаларига вафодорлиги инсонлардан қолмишайди.

Сақиз ёшларда бўлсам керак, отам билан олис далада деҳқончилик қилардик. Узимизнинг ювоғишна отимизга миниб, йўлга тушардик. Роса терлаб ишладик. Пешинга экан тушлик қилишга ҳозирлардик. Отам Саманнинг чанкаганлигини сезиб, пешонасидан сийлади: "ҳозир, жонивор, ҳозир, аввал сени сўғорамиз, кейин эса ўз чанқоғимизни босамиз".

Пастда сойлик, киргонгача тўлиб сув оқяпти, олисдан қарасангиз қўларингиз тиниб кетади. Сўгга тушиб кетишимдан кўрқиб, отам челақ кўтариб сой бўйлаб кетди. Бир челақ тўлдириб сув олиб келиб, отнинг олдида қўйди. Азбаройи жазирема иссиқданми ёки кеча сўғорилмаганими бир челақ сувни сийририб қўйган от яна отамга қараб термулиб турарди. Бир қўлида челақ, бир қўли билан белини ушлаган отам яна сойликка энди. Боши айланиб, кўзлари тиндиими ёки чарчаганидан ҳолли келмай қолди-ми, суғга тўлган челақини тортиб чиқара олмади, суғга тушиб кетди. Мен жон ҳолатда чинқириб юбордим, от эса пишқириб кетди. От эса қозикдан арқончини тортиб, ёрдамга ошмакандай олдинга интилаверди. Мен дарҳол югуриб бориб, отни қозикдан бўшатиб, ўзим ҳам ортидан югурдим. Бўтана сув пишқирган, отам сувада бир кўриниб, бир кўринмай охиб борарди. Шунда не кўз билан кўрайки, от ҳам ўзини суғга ташлади. Худди одам каби сузиб, отамга қўчлашди. Отам ҳам жон ҳолатда отнинг ёлғизлиги маҳкам ёпишиб олди-да, секин сузиб келаверди. Ниҳоят от отамни сувадан олиб чиқди, ёлғизлиги сикитиб-сикитиб, эгасининг юз-қўларини ялай бошлади. Қувонганимдан йилғаб юбордим. Шу кунга мен вафодоримизни етаклаб олдим, устига ётган отамни эса у ўлимизга олиб келди.

Отам умрининг охиригача вафодор отни алқаб ўтдилар...

Муҳаммад КАРИМ

АЗАДОР МУАЛЛИМА

Табиат ўзининг яшил либосига бурканган қўларнинг бирида Кўхна Равот қишлоғида Ҳайитбой аканинг ўғли Сарваржон тўсатдан вафот этибди, деган шух хабар тарқалди. Хали уш гулданан бир гули очилмаган йиғитчанинг фожиаси бутун қишлоқни ларзага келтирди...

...Ота ишга, она ташкилчилик ташвиши билан бозорга кетган. Оқибатли қўшнлар болани шифохонага келтиришди. Бирок, вақт ўтган, хасталигининг оғир хуружи мурғак қоракани уришдан тўхтатганди. Отанинг қадди эгилди, она шўрлиқнинг қалби тилка-пора бўлди.

Жудодик дастидан дод-фарёд қилинаётган бу азадор хондон ҳовлисига бирдан эс-хушини йўқотган яна бир муштупар аёл югуриб кирди. Қўлтилаган айрилиқ дастидан аёл идрокчини йўқотган аёл додлаганча ўзини ичкарига урди.

Кексалар бу муштупар аёлни майитдан базур ажратиб олдилар. Аёл эса барчадан, хатто Сарваржоннинг онасидан-да баландроқ овозда хануз тепиларча дод соларди: "Болаи! Сарваржоним!"

Бу - йиғитчанинг сиф раҳбари Насиба муаллим эди...

Муаллимлик - бу меҳридорлик, фидойилик дейилса китобилликка йўнамиз. Қалбининг қўрқини, қалбининг нуруни баҳишда этиб, оқу қорани танитган устозларни сўнгги нафасимизгача эъзозлашимиз лозимлиги айтилса, пешонаси тиришганлар ҳам топиладиган орамизда.

Лекин ўз ўқувчисини фарзанди сингари сўйганлиги боис унинг айрилигига дош беролмай, Сарваржоннинг онасидан-да кўпроқ фарёд чекаётган Насиба муаллимнинг ҳолатини кўриб, устозларни унутуш ота-онани унуттишдан кам эмаслигини ҳис қилдим.

Бахтиёр ХУДОЙБЕРДИЕВ

ТЕКИН ТЕШИБ ЧИҚДИ

Ўрол бобо картошқасини қовлатиш учун мардикор излаганини қиқиб, йўлда Сайид ва Толмас акаларни учратиб қолди. Улар билан нархни келишиб, картошқа полнига олиб борди:

—Ўйларим, манча селларга иш. Мен кампирга бозордан ул-бўл нарса оқиб берай. Агар кеч қолсам юкларни аравага ортиб обораверинлар, - Ўрол бобо шундай дея ортга қайтди.

Мардикорлар қаттиқ киришиб, тушгача ишни тутатишди. Бойдан дарак йўқ. Улар ҳосилни қолларга жойлашди-ю аравага ортиб, қишлоққа жўнашди. Уйи олдида ўтаётган пайти Сайиднинг феъли айниди.

—Толмас, бир қопини уйга ташлаб кетмаймизми? Кейин арра қилардик.

—Йў-э, битта-яримта қўриб қолса... яхши эмас.

—Қўйсанг-чи, қим билиб ўтирибди?

—Билмадим, жўра, бу ишга мен аралашмайман.

—Хеч қилма айтмайсан-а?

—Айтмайман-а-я...

—Бўпти, сўз бердинг-а, - дея Сайид шошиб бир қоп картошқани елкасига ташлаб, уйга тўқиб чиқди. "Хеч қим сезмай қолди", дегандек Толмас акага қараб қўйди.

Орадан бир кун ўтиб, Сайиднинг хотини оғир бетоб бўлиб касалхонага тушди. Ҳовлисидаги ҳамма нарсасини, хатто битта-ю битта ситирини ҳам сотиб, дори-дармон олиб, хотинини базур сақлаб қолди.

Бекзод ҲОТАМОВ

ИСТАРАСИ ИССИҚ ОДАМЛАР

(Боши 1-бетда)

Толибжон ака билан ўттиз йиллар чамаси дўст тутинганмиз. Ўша худудларга борсам, Толибжон акани албатта зиёрат қилиб ўтардим. Сўхбатларимизнинг бири ёрқин саҳифа бўлиб ёдимда қолган. "Қишлоғимиз номи маъносини бир қишдан сўрасам: ўтмишда бир ўтинчи чол бўлган экан, - деди у. Тоққа ўтинга боришда ҳам, қайтишда ҳам "най-на-най, нанай-нанай, қизларидан айланай", деб хиргойи қилиб юрар экан. Шу тўфайли қишлоғимиз номи Нанай бўлиб қолган", дейди.

Толибжон ака ҳар доимгидек чиройли жилмайиб "Йўқ, унақамас, "Нанай" бўзилган шакли, асли "Нон хай", яъни нон бор деган маънода айтилган", - деганди. — Бизнинг қишлоқ Оллоҳ назари тушган шундай маконки, бу даргоҳда ҳеч қим ҳеч қачон оч қолмаган. Бир томони шунинг учун ҳам тўнғич ўғлимнинг исмини Маъмур қўйдим. Маъмурчилик, тўқлик-тўқинчилик дегани бу. Бошқача қилиб айтганда, нон бор деган сўзнинг худди ўзи. Халқимизга нафи тегсин деган ниятда дўхтирликка ўқитдим. Баҳоли қудрат элнинг хизматини қиларди.

Толибжон ака, шундай, қалби эзгулик билан лиммо-лим инсон, ҳам меҳрибон ҳам мурасосоз дўст эди. Энг муҳими, нафақат Толибжон ака бошқараётган идора атрофлари, балки бутун ҳўжалик худуди ва шу жамоага тегишли қишлоқларнинг қиёфалари ҳам ниҳоятда покиза, саранжом-сарийша бўларди. Толибжон ака кўчаларни пийда кезиб-кузатиб юрар, одамлар ҳеч бир дақиқа-дашном-сиз ҳаммаёқни озода тутишарди...

Турмуш иқир-чикирлари билан ўралашиб, юқори худудларга анча йил бора олмадим. Буттур йўллар тушиб Нанай қўчаларидан ўтиб борақарман, бир отахондан Толибжон акани суриштирдим. Ота менга бирпас ажабланиб тикилиб турган, "Толибжонни яхши танирмидингиз?" деди. "Қадрдон эдик", дедим. "Қадрдон эмиш!" — энаси қотганини яшириб ўтирмади чол терс қараб, - Вафот этгани ўн йил бўлди-ку! Толибжон жаннатни инсон эди, ҳаммаимизнинг дилимизни вайрон қилиб кетди. Улишини билгандек бир кун аввал: "Катта йўл ёқасидаги арча остига қўйинлар", деб васият қилибди. Айтган жойига дафн этганимиз.

—Эллик етти ёшда-я, ўғли дўхтир эди-ку!..

—Ризқ-насиба тугагандан кейин... қолаверса, Толибжон дардини ичига қотиб юрар экан, ўғлининг бесаранжом қилгиси келмаган-да. Инсоннинг марди шунақа бўлади, шамдай

Шу кунларда ширкат ҳўжаликларида йиллик ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтди. Қишлоқ аҳли бу йиғилишларни соддагина қилиб "умуммажлис" дейишди. Аммо, "умуммажлис" деганлари эво-манов йиғилишмас. Ҳўжаликнинг "авра-астари"ни ағдариб ташлайдиган, "Раис бува", "тафтишчи" деганларнинг ҳисобларини тинглаб, уларнинг фалолитига очик-шогора баҳо бериладиган йиллик анжуман.

Яқинда ана шундай "умуммажлис"нинг бир эмас, икконтасида қатнашимизга тўғри келди...

ЕТАКЧИ УЗОҚНИ КЎЗЛАЙДИ

Норин туманидаги "Ўзбекистон" ширкат ҳўжаликчининг йиллик ҳисобот йиғилиши қизғин ўтди. Раис Турдали Хожиев ҳисоботи эшитилган, музока-раларда ҳўжалик фахрийлари, бош пудратчилар, оддий механизатор, оуенчилар сўз олиб, ҳўжалик бошқарувига, раис фалолитига ҳолис баҳо беришди.

Оппоз қозоқли қўксини қоллаган бир нуруний отахоннинг гайи, айнаси, барча-ни тўқилантириб юборди.

—Янги раисимиз юргатимизга чў ташлади, қаддимизни кўтарди. Бир йил ичи-да манча меҳнатларимиз юзага чиқиб, олди-мизга қўйган режа-топширқларини бажариб, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Омборимиз донга, дастурхонимиз нағна тўлди. Тўйларимиз қўлайди, уйларимиз қўлайди. Турдалининг эса отасига раҳмат!

Зални қарсақ тутди.

Биз эса ҳозиргида дафтаримизга ёзиб олганимиз баъзи бир раҳамларга кўз югуртирдик.

Ҳўжалик 487 гектар галлазорнинг ҳар гектаридан 55 центнердан хирмон кўтариб, йиллик рекансини туманда биринчи бўлиб баҳарган. 2679 тонна галланинг 1701 тоннаси давлатга сотилиб, қолгани оилавий пудратчиларга, ҳўжалик аъзоларига тақсимлаб берилган. Олди пудратчилар 8-10 тоннага етказиб галла олишган.

Даромад ҳам меҳнатларига яраша. Бошқоқли докдан режадаги 82 миллион сўм ўрнига 103 миллион сўм даромад қилинган. Шундан соф фойда 21 миллион сўмни, рентабеллик даражаси эса 23 фоизни ташкил этган. Бир йил ичида соф фойда ҳажми эс эмас - 10 миллион сўмга ошган.

Пахта режаси ҳам биринчи бўлиб бажарилган. 733 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олинган, йиллик даромад 292 миллион сўмга етган.

Даромадга яраша буромад демокчи, ширкат аъзоларига ўтган йил янқуларни бўйича илк бор 4 миллион сўмдан ошқ қўшмача ҳақ ҳисобланди.

Раис ўз ҳисоботида юқоридаги натижалар омилини ҳўжаликда иқтисодий ислохотлар кенг жорий этилаётганига, гай-қилиқ усулига ўтилиб, барча оилавий пудратчилар харажатларини чек асосида ҳисоб-китоб қилиб бораётганига боғлади.

Йиғилишдан кейин раис билан гурунлашдик.

—Рақамлар ўз йўлига, - дедик Турдалига. — Шунчалар ўсиш-ўзгарганига қандай қилиб эришилди? Ишчи нимадан бошладингиз-ю, нимагадир эътибор бердингиз?

—Интилиб, изланмайдиган баъзи бир мутахассислар, бош пудратчиларнинг бақирдан ўтишга тўғри келди. Бу биринчи-дир бўлса, иккинчиси, яхши биласиз, пахта-

ёниб-ёниб бошқаларнинг йўлини ёрита-ди-ю, ўзи тугайди. Юринг, қабрига бориб тиловат қилайлик, ахир раҳматлининг қадрдо-ни экансиз!..

Шу кунийёқ кўнгил сўраб ўтиш учун туман марказий касалхонасининг жарроҳлик бўли-мига кирдим. Маъмуржон 1982 йил тиббиёт олийгоҳини битириб, шу битта жойда меҳнат қилиб келмоқда. Аввал оддий жарроҳ бўлди, кейин эса бўлимини бошқара бошлади. Истараси иссиқ, камгаллиги, самимий боқишлари отанинг ўзи. Саранжом-сарийша-лик, хизматда ўрнат қўрсатиш, топиб гапир-иш орқали касбдошларини ишга солиш каби фазилатлари ҳам Толибжон акани эс-латиб турибди. Ҳозирги давр талаби асоси-да шоилинч тиббий ёрдам бўлимига айлантирилган эллик нафарга яқин аҳил жамоага Маъмуржон раҳбарлик қиларди. У бор имко-ниятдан унумли фойдаланиб, беморларга ишчи-хизматчиларга керакли барча шарт-шароитларни яратиш учун астойдил курашмоқда. Ўттиз ўринли беморхона ҳозирги замон талабларига мос тарзда қайта таъмирланди, туман ҳокимлигининг яқиндан қўрсатаётган ёрдами тўфайли энг мақбул дори-дармонлар, замонавий асбоб-ускуналар келтирил-моқда...

Маъмуржон оилавий ҳаётда бир қоқилиб, -мустаҳкам иродаси тўфайли ўзини тутиб олди. Шунинг учун унинг меҳрибон онаси Соатгул ая тўнғич ўғли оиласидан энди хотиржам. Маъмуржоннинг катта қизи Мохиче-хра бобоси йўлини танлаб, олий маълумот-ли қишлоқ ҳўжалик мутахассиси бўлди. Унинг укаси Музаффар эса Тошкент иррига-ция олийгоҳига ўқишга кирди. Малика ва Азиза ўрта мактабда аёло баҳоларга ўқимокда...

—Толибжон аканинг дарди шу қадар оғир эдимиз? — барибир сабрим чидамай сўрадим Маъмуржондан.

—Тақдирда бор экан, эрта кетдилар, аммо дардларини сездирайм ўтдилар, - хомуш жавоб берди қалб жароҳати тирналган ўғил.

—Ота-оналаримиз бизларни безовта бўлма-син деб ўзларини мудом хатарга қўйиб яшар эканлар-у, фарзандлар ўз юмшларни билан андармон бўлишаркан. Мана энди бизнинг ҳам ўғил-қизларимиз етилиб, буни чуқур ту-шуниб турибмиз...

Биз илк ва самимий хайрлашдик. Ортим-дан гўё Толибжон аканинг ёшлиги гамгин ҳолатда жилмайиб тургандек бўлди...

Асад АСИЛ

бўс кўрсатмаса қандай ривожланиш бўлсин!?", "Ҳосилини етиштириб топши-риш деҳқоннинг бевосита бурчи-ку, нега унинг ишига бўлар-бўлмас аралаша-верилишимиз керак?" дея қуноқчилик билан айтган чапани сўзлари ҳали-хануз қўло-ғимиз остида турарди.

Одатда Эркин Мадалиев сирасидаги одамларга ҳаётда қийинроқ бўлади.

Аммо раиснинг юракдан чиқариб айт-ган гап-сўзлари, фикр-мулоҳазалари бизга маъқул келди-ю, гурунғимиз таъсирида "Ўз қобилигига сиймаган одам" деган очерк ёздик... Очерк "Қишлоқ ҳаёти" газетаси-да чўкиб ҳам кетди...

Орадан бирор ой ўтиб-ўтмай эса Эркин Мадалиевнинг вазифасидан олиб ташлан-ганлиги ҳақидаги хабарни эшитдик...

Яқинда ана шу ҳўжаликка, ҳисобот йи-ғилишига бордик.

Раис яна алмашибди. Айтишларича, со-биқ раис Ҳабибжон Расулов ҳўжаликни салкам икки йил ичида "тўпикча тикиб", ими-жимиди аризасини ёзибди-да, жуф-таки ростлаб қўлибди. Унинг ҳозирда қаерда эканини ҳеч ким билмасмиз. Шир-кат аъзоларининг "умуммажлиси"да шу йилнинг 6 январиди раислик қурсинга ўтирган, бунгача Халқ демократик партия-си туман кенгашини бошқарган Носир-жон Расулов ҳўжалик бошқарувининг ўтган йилги фалолити юзасидан йилдан йилга йиғилишда туман ҳокими Турдали Рўзибоев ҳам иштирок этди.

Табиқили, ҳўжаликка қелганига энди-гина бир ярим ой бўлган янги раис ўз ўтмишида раҳбарлигида йўл қўйилган қамчиликларни бирма-бир айтиб, "досгон" қилишни истамади. Рўза, андишам... яна бошқа сабаблар бунга йўл қўймади. Аммо, модомки, ҳисобот йиғилиши экан, баъ-зи бир рақамлар, тафсилотлар раис иста-си-истамасга тўла олиниши табиқий.

Ҳисоботдан шу нарса маълум бўлдики, ўтган ҳўжалик йилида 450 гектар ерга гал-ла, 560 гектар майдонга пахта экилган. Гал-лақлар ҳар гектар майдондан 41,7 ўрнига 42,6 центнердан галла етиштириб, режа-ни бақаришган. Аммо 98 нафар оилавий пудратчилар 45 нафар шартномавий ре-жасини бақара олмаган. Бунинг оқибати-да қўзда тутилганидан 51,3 тонна дон кам етиштирилган.

Пахтачиликдаги аҳвол айниқса ташвиш-ли. Йиллик режа 70 фоизнинг нари-бе-рисидида қилиб кетган. Ҳар гектар майдон-дан 26,3 центнер ўрнига 20 центнердан ҳосил олинган, ҳўжалик пахтачиликдан йилни 39 миллион 618 минг сўм зарар билан аяқлаган.

Бунга сабаб ислохотлар "шунчаки йўлга" жорий қилинган. Чек ишламаган. Оқибат техника, ёниги-мойлэш матери-алларидан ҳўжасизларча фойдаланилган. Барилана ёнигилини оладиган бўлса, маъ-сум мобайнида 166 тонна ўрнига 198 тон-на ёнигили ишлатилиб, 32 тонна ортиқча сарфланган.

Пахтачиликда ҳам галлачиликдаги каби 80 нафар оилавий пудратчилар 50 нафа-ри режани бақара олмаган. Илгор пуд-ратчилар 35-38 центнердан ҳосил олган-лари ҳолда, улар билан бир ариқдан суе ичиб, бир хил шартонда ишлаган айрим "ер эгалари" арағи 15-16 центнердан "хир-мон кўтаришган".

Ҳўжалик ҳовасининг аҳолига маълум-лар йиғилиди. Бу ерда қилинган ири-ли-ўринсиз, бўлар-бўлмас харажатларни

РАИС ЖУФТАКНИ РОСТАДИ

Чустдаги "Нурафшон" ширкат ҳўжал-ига аввал ҳам боргандик. Ушанда "бетта-чопар" деб танитган раис қишлоқ ҳўжа-лидаги олға кетишимизга ҳалақит бе-раётган баъзи бир муаммоларни очикча-сига айтиб берган эди.

Эркин аканинг "ер, деҳқончилик бўй-руқбозлиқни кўтармайд", "Ҳўжалик раҳ-бари ўзи мустақил фикрламаса, ташаб-



"Ҳўжаикон туз" қони Қўхитанг тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. "Ҳўжаикон туз" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида техник, ош тузи ҳамда чорва моллари учун ялама туз ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: 1. Смена устаси Нурхон Бозоров. 2. Ҳўжаикон туз қони.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЗАВОД ҚУВВАТИ ОШАДИ

Ховос туманидаги "Мустақиллик" кичик корхонаси сут ишлаб чиқаришни 2001 йилдагидан икки бара-варга кўпайтирди. 2002 йилда 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Хомашёни фермерлардан сотиб оламиз, - деди кичик корхона раҳбарининг ўринбосари Александр Ким. - Улардан тозаланган сут, қаймоқ, пишлоқ, сариге ва твороглар ишлаб чиқарамиз.

Корхонамиз яқинида жойлашган 18 та фермер билан шартнома туз-

ганимиз, улар-дан ҳар кун ила-мдан 1300 ки-лограммгача

сут оламиз. Сутни қайта ишлаб Ховос, Боёв туманларига етказиб берамиз. Жорий йилда 20 гектар ерни ижарга олдик. Бу ерда макжажўхори, беда ва бошқа озук экинларини етиш-тирмоқчимиз. Ушбу озукларни фермерларга етказиб бера-миз. Бу йил заводимизнинг сутқалик сут ишлаб чиқариш қу-ватини 2000 килограммга етказишни мўлжаллаяпмиз, деб таъкидлади А. Ким сўзининг якунида.

Сирдарё вилояти, "Туркистон-пресс"

бемалол Геннингнинг рекордлар китобида ёзиш мумкин. Эътибор беринг, 2002 йил мобайнида қорамоллар 100 бошга ка

(Боши 1-бетда)

Ёш ва навқирон Навоий вилоятида ҳозирда халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик ўн бир миң километр автомобиль йўллари мавжуд. Бу ҳудуддаги мавжуд йўллари назорат қилиш, жорий таъмирлаш ҳамда сақлаш ишларини эса "Навоийавтотўй" бirlашмаси жамоаси амалга ошириб келяпти.

Йўллари замон талаблари даражасида қайта қуриш, ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Аваллари вилоятдан ўтган хайдовчилар йўлсозлар ҳақиға яхши гаплар айтмас эди. Бугун вилоят тасарруфидagi барча йўллар сифат жиҳатидан халқаро талаблар даражасида таъмирланмоқда.

Навоий вилоятининг энг асосий М-37 "Самарканд" магистрал йўлининг қирқ километр узунлигидаги қисми қайта таъмирланди. Бу ерда транспорт қатнови ҳамда йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Йўлларнинг раванлигини сақлаб қолиш, транспорт қатнови ҳаракатларини таъминлаб туриш мақсадида 1600 километр қопламаларга сиртки ишлов берилди.

-Аслида йўл қуриш энг савобли юмушлардан ҳисобланади. Бугунги кунда жамоамиз ҳам ўз фаолият доираси жиҳатидан, ишчи-хизматчиларнинг малакаси, иш сифати ва сон жиҳатидан анча ўсди десак, асло муболаға қилмаган бўламыз, - дейди "Навоийавтотўй" бirlашмаси раҳбари Жаббор Норматов. - Ўз ишлаб чиқариш негизимизга, жаҳон андозаларига мос йўллар қурилишида асқотадиган замонавий техни-

кага эга бўлдик. Булар асосан Германия ҳамда Жанубий Кореядаги фирмаларнинг катта юкни ўзи ағдардиган машиналаридир.

Бirlашма тасарруфидagi йўл хўжаликлари ихтиёрида еттига асфальтга бетон ва битум минерал қоршмалари ишлаб чиқарувчи, иккита шебень тайёрловчи, оҳак ва мрамар ишлаб чиқарувчи завод ҳамда цехлар фаолият кўрсатиб турибди. Мазкур қоршмалар томонидан йилга йўл ишлари учун 90 миң тонна асфальтбетон қоршмаси, 56 миң куб метр шебень, 10 миң тонна оҳак, 3 миң квадрат метр мрамар плитаси ишлаб чиқариламоқда.

Бirlашма тасарруфидagi 13 та автомобиль йўллари ҳамда йўллардан фойдаланиш бошқармалари томонидан 4534 километр умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўлларни асраш, қайта қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари замон талаблари даражасида олиб борилаётир. Бунда бirlашмадаги икки миңдан зиёд ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимларининг хизматлари катта. Аҳил жамоанинг ҳамжиҳатлидаги меҳнатлари сабаб ишда сифат ва самара бўлмоқда, меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда.

Республикаимиз Президентининг 1999 йил 27 майдаги фармониға асосан 2000-2001 йиллар давоми-

да Навоий шаҳри ва Кармана магистрал ва ички йўллари кенгайтириш ҳамда қайта таъмирлаш дастури бўйича Навоий шаҳридаги Булат кўчаси, Гулистон массивига олиб борувчи йўл, Халқлар дўстлиги, Амир Темур, Меъморлар, Южная кўчалари кенгайтирилиб, асфальтбетон қоплама ётқизилди. "Вилоятда буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг

йўли, Навоий туманидаги Қўчқор Қаршиев, Кармана кўчаси, Навбахор туманидаги Бешрободга, Нуротага, Янгибототга олиб борувчи йўллари қайта таъмирлаб, II-III категорияли йўллар тоифасига ўтказилди. Шундай қилиб, 700 километр умум фойдаланувдаги йўллар таъмирланди. 68 та автобекат қайтадан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Бirlашмада ишчи-хизматчиларнинг маданий хордиқ чикаришлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Қувончли жиҳати шундаки, бу ерда қасаба уюшмаси томонидан ёғи таътил даврида ишчиларнинг фарзандлари учун оромгоҳларга, ўзлари учун эса санаторий ва профилакторийларга йўланмалар имтиёзли равишда ажратилмоқда.

-Йўлни сифатли таъмирлаш, транспорт воситалари ҳамда пиедесталнинг ҳаракатланишига мос келишини таъминлаш жамоанинг асосий шioriға айланган, - дейди бirlашма раҳбари Жаббор ака Норматов. - Йўллар қафидек текис, бу ердан ўтган йўловчининг бахридили очилади. - Келажакдаги асосий вазифамиз янги йўллар қуриш, вилоятимиз ободончилигиға муносиб ҳисса қўиш.

Республикаимизнинг бошқа ви-

лоятларида бўлгани сингари Навоийда ҳам йўлсозликка, қадим Ипак йўлини обод қилиш, ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос равишда таъмирлашға алоҳида аҳамият берилиб, салмоқли ютуқларға эришилди. Навоийлик йўлсозларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ва амалга ошираётган бунёдкорлик ишларида тажрибали мутахассис ва ташкилотчи Жаббор ака Норматовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У узоқ йиллардан буён бirlашмани моҳирлик билан бошқариб, эл-улус ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келяпти. Жаббор аканинг умри ҳам ҳамкасблари билан биргаликда бунёд этилган кенг ва обод йўллар сингари эзгу амалларға пайваста.

-Катта жамоаға раҳбарлик қилиш зиммаға алоҳида масъулият юклайди, - дейди Жаббор ака босиқлик билан. - Негаки, ҳар бир ишчи-хизматчи сенга қўз тикиб туради. Аслида бизнинг ташкилотимиз катта бир рўзгор. Бу ерда ишлаётганларнинг ҳар бирининг қўлиға йўл топиш зарур. Гоҳида кунни - кун, тунни - тун демай ишлашға тўғри келади. Бунинг учун ҳар бир ишчида иштиёқ, ўз касбиға меҳр бўлиши керак.

Навоийда янги йўллар қуриляпти, мавжудлари созланяпти! Бу йўллар юртларни юртларға боғлабгина қолмай, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришға, она Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашға хизмат қилапти.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

"Толқудук-97" фермер хўжалиги соҳибини Фарғонада кўпчилик яхши билади. У меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам яхши билади. Шу боис 156 гектар ерни олғач, сармоясини тупроқ унумдорлигини ошириш, пайкал бошида шийпон қуришға сарфлади. Ўтган йили 195 тонна дон, 336 тонна пахта етиштириб мўмайғина даромад қилди. Шийпоннинг ёниға сауна ҳам қурди.

Дарвоқе, унинг Россиядан келтирган тўрт гилдиракли мотоциклға кўпчилик ҳавасманд. Фермер бу техникасига мингач, унча-мунча ўйдим-чўқур жойларни кўрдим демай ўтиб кетяверади.

СУРАТДА: фермер Аҳмаджон Шерматов.
Абдунаби АЛИҚУЛОВ
олган сурат

БУ ҚАДИМ ЙЎЛЛАР...

560 йиллик тантаналарини ўтказишга тайёргарлик қўиш ва уни ўтказиш" тўғрисидаги вилоят ҳокимлигининг қарори ижроси бўйича боғ йўлаклари асфальтланди.

Бirlашмада ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи қурилма ҳамда йўл белгилари, кўаламзорлаштириш учун дараклар экиш ва уларни парваришлаш доимий диққат-эътиборда. Вилоят ҳудудида 19026 та йўл белгилари бор. Уларнинг ҳаммаси қайтадан сифатли қилиб таъмирланди.

Бirlашма ишчи-хизматчилари замонавий технология ҳамда сифатли қурилиш материалларидан унумли фойдаланиб Хатирчи туманидаги "Оқтош - Лангар", Нурота туманидаги Қизилқум халқа йўлини, "Нурота-Митан" автомобиль



"ҒАЛЛАБАНК"

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республика акциядорлик-тижорат банки "Ғаллабанк"
ўз акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилишини ўтказадиган КҲН ТАРТИБИ:

I.РАТБ "Ғаллабанк"нинг 2002 йилдаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи ва Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2003 йилга белгиланган устивор вазифалари тўғрисида;

II. РАТБ "Ғаллабанк" Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш;
III.РАТБ "Ғаллабанк" Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш;
IV.РАТБ "Ғаллабанк"нинг 2002 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш;

V. Банк Уставига ҳамда "Банк Кенгаши тўғрисида"ги Низомға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
VI.РАТБ "Ғаллабанк" Кенгаши ва бошқаруви аъзоларини қайта сайлаш;
VII. Банкнинг 2003 йил фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудиторни тасдиқлаш тўғрисида;
VIII. Турли масалалар.

Йиғилиш 2003 йил 4 апрел куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй ("Ўздонмаҳсулот" ДАК биноси)да ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатға олиш 2003 йил 4 апрел куни соат 8.30 дан 9.30 гача давом этади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқиға эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 4 март ҳолатига тузилади.

Кўшимча маълумотлар учун телефон рақами: 136-16-17; 136-11-05; 133-42-25
РАТБ "Ғаллабанк" манзили: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

«ҒАЛЛАБАНК» КЕНГАШИ

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО "NvaGKGXQI"

извещает, что общее собрание акционеров состоится 3 апреля 2003 года в 10.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Усмана Носира, 114.

ПОВЕСКА ДНЯ:

1. Отчет исполнительного органа об итогах финансово-хозяйственной деятельности Общества за 2002 год и утверждение бизнес-плана на 2003 года.
2. Отчет Наблюдательного Совета за 2002 год.
3. Отчет ревизионной комиссии и утверждение результатов аудиторской проверки.
4. Распределение прибыли и дивидендов за 2002 год.
5. Внесение в Устав Общества изменений согласно Указа Президента Республики Узбекистан от 24 января 2003 года №УП-3202.
6. Выборы состава Наблюдательного Совета.
Реестр акционеров, имеющих право на участие в Общем Собрании, составлен по состоянию на 03.03.03 года. Регистрация акционеров проводится с 8.30 до 10.00. При себе иметь паспорт.
За дополнительной информацией обращаться по месту нахождения ОАО: г. Ташкент, ул. У. Носира, 114.

ОБЩИЕ СВЕДЕНИЯ	
Управляющая компания	АК "Узгеонефтегаздобыча" г. Ташкент, ул. А.Темур-66 ОКПО-17396717
Депозитарий	ОАО "Национальный депозитарий "Вакт", г. Ташкент, ул. Бухоро, 10. Код ОКПО-14941663
Аудитор	ООО "PROKAR EXPERT AUDIT", г. Ташкент, ул. Глинка-11. Лицензия Минфина РУз. Сер. АФ № 00221 от 24.09.01 г. Сертификат № 00438 от 03.01.01 г.
Количество акций	16663 штук

ФИНАНСОВЫЙ РЕЗУЛЬТАТ ЗА 2002 год (тыс. сум)	
Чистая выручка от реализации	742345
Расходы	668193
Финансовый результат	86772
Налоги	67631
Чистая прибыль	19140

БАЛАНС	
АКТИВ	(тыс. сум)
1. Основные средства (остаточная стоимость)	53995
2. Нематериальные активы	190
3. Производственные запасы	5892
4. Денежные средства	2821
5. Расходы буд. период	365
6. Валютные средства	31901
7. Собственные акции выкупленные	2195
8. Дебиторы	164494
Итого:	261853
ПАССИВ	(тыс. сум)
1. Уставный капитал	16663
2. Резервный капитал	61960
3. Нераспределенная прибыль	20289
4. Кредиторы	142470
5. Целевые фонды	15000
6. Краткосрочные кредиты	5471
Итого:	261853

«ОК ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУМ ЛОТТОСИННИГ 2 МАРТАДА 66-ТИРАЖИ КИСКА ЖАДВАЛИ	
1 Тур - 32, 27, 29, 84, 58, 87, 75, 25 Мусика маркази сони: 1 чипта рақами: 18025	
2 Тур - 60, 57, 59, 53, 47, 16, 73, 49, 50, 8, 56, 81, 41, 40, 66 Мусика маркази, сони: 1 чипта рақами: 124	
3 Тур - 48, 85, 9, 31, 88, 55, 4, 43, 89, 52 Видео магнитофон сони: 1 чипта рақами: 10869	
4 Тур - 23, 18, 77, 13, 6, 1, 21, 72, 78, 51, 14, 24, 10, 42, 61, 63 Виде магнитофон, сони: 1 чипта рақами: 21553	
5 Тур - 37, 80, 12, 19, 2 Телевизор сони: 1 чипта рақами: 15926	
6 Тур - 65, 39, 70, 3, 64, 62 Уй кинотеатри сони: 1 чипта рақами: 8140	
7 Тур - 20, 22 тилла узук сони: 1 чипта рақами: 17875	
8 Тур - 69 тилла узук сони: 1 чипта рақами: 16611	
9 Тур - 26, 35, 67, 54, 44, 71 тилла узук сони: 2 чипта рақамлари: 301, 39541	
10 Тур - 30 тилла узук сони: 8: 1952, 7128, 14464, 25310, 25770, 32657, 42989, 46963	
11 Тур - 76 2000 сўм сони: 4	19 Тур - 17 650 сўм сони: 72
12 Тур - 86 1000 сўм сони: 7	20 Тур - 46 600 сўм сони: 80
13 Тур - 28 950 сўм сони: 15	21 Тур - 74 550 сўм сони: 98
14 Тур - 79 900 сўм сони: 28	22 Тур - 11 500 сўм сони: 289
15 Тур - 33 850 сўм сони: 25	23 Тур - 45 450 сўм сони: 232
16 Тур - 90 800 сўм сони: 19	24 Тур - 7 400 сўм сони: 573
17 Тур - 34 750 сўм сони: 21	25 Тур - 68 350 сўм сони: 888
18 Тур - 5 700 сўм сони: 28	26 Тур - 15 300 сўм сони: 924

Халтадан чиқмаган шарлар: 33, 38, 82, 83

ЭТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ


АС-СААДИ: ҚАРОР ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Бағдодда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Саддам Хусайннинг маслаҳатчиси, генерал Амир ас-Саади, Ироқ инспекторлар билан тўла ҳамкорлик олиб бораётганлигини айтиб, лекин "Самуд-2" ракетаси борасидаги позиция ўзгариши мумкинлигини билдирди.

Унинг фикрича, агарда АҚШ БМТ розилигисиз Ироққа қарши уруш бошлашга тайёргарликни давом эттирaversa, расмий Бағдод ўзининг "Самуд-2" ларини йўқотишни тўхта-тиб қўиши мумкин. БМТ талабига мувофиқ 1 март кунидан бошланган "Самуд-2" ни тугатиш мобайнида, ҳозиргача 10 та ана шундай ракета-лар инспекторлар назорати остида йўқ қилинган. Кузатувчиларнинг фикрича, Ироқда 100 га яқин шундай ракеталар бор. АҚШ ва Буюк Британия самолётлари эса мамлакат жанубидаги ракета ҳужумидан мудофаа объектларига навбатдаги ҳужумларини амалға оширганлар.

ПОКИСТОН: ТЕРРОРЧИ БЕРИЛГАНИ ЙЎҚ

Покистон ички ишлар вазири Файсал Солих Ҳаёт 2001 йилги 11 сентябр воқеаларида гумон қилинаётган Халид шайх Муҳаммаднинг АҚШ ихтиёриға берилганлигини рад этди.



KHALID SHAIKH MOHAMMED



Ундан аввалроқ эса Покистоннинг Равалпинд шаҳрида маҳаллий ва америкалик махсус хизмат ходимлари ҳамкорлиги-

да ўтказилган операция вақтида шайх Муҳаммад ҳибсга олинганлиги ва АҚШ ихтиёриға берилганлиги ҳақида хабарлар тарқалган эди. 11 сентябр воқеаларида шахсан Халид Муҳаммаднинг ўзи режани ишлаб чиқишда ва унга бошчилик қилишда гумон этилаётган бўлиб, унинг қўлга олиниши Ок уйда катта тантана билан нишонланган. Президент Жорж Буш эса террорчининг ушланишини "фантастика" дея баҳолаган. Экспертларнинг фикрича, Муҳаммаднинг ҳибсга олиниши "Ал-Қоида" да катта йўқотишдир.

ПУТИННИНГ БОЛГАРИЯГА САФАРИ

Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путиннинг Болгария сафари чоғида икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва Ироқ муаммоси тилға олинди.

Боиси, Болгария Бағдодға қарши қуч ишлатиш ниятида бўлган Қўшма Штатларни қўлаб-қувватлаётган давлатлардан саналади. Кенгайтирилган таркибда ўтказилган йиғилишда нутқ сўзлаган Россия президенти ўзаро ҳамкорликни юқори поғонаға кўтарилганлигини ҳамда расмий Софиянинг Европа Иттифоқи ва НАТОға аъзо давлатлар билан муносабатларини яхши йўлга қўйилганлигини ижобий баҳолади. Ташриф натижаси ўлароқ Москва ва София ўртасида ўзаро декларация ва табиий газ транзити ҳамда энергетика борасида меморандумлар имзоланди.

ҒАЗОДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

"Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг хабар беришича, кеча Исроил қўшинлари Ғазо секторидаги иккита қочоқлар лагерига бостириб кирганлар.

Икки ўртада юз берган қуролли тўқнашув вақтида 14 ёшли ўсмир ҳалок бўлиб, 25 нафар фаластинликлар жароҳат олганлар. Ўтган якшанба кунги тўқнашувлар вақтида эса 2 фаластинлик қурбон бўлиб, 11 нафари яраланган эди.

Яқин кунларда эса Америкадан Исроилға "Patriot" русумли ракета комплекслари келтирилди. Айтиш керакки, Ироқнинг ҳужумидан ҳавотари тушган Исроил ушбу ҳаракатларни ўз мудофааси йўлида амалға оширмоқда. Ракета комплекслари Тель-Авив, Хайфа ва Димон ҳудудларига ўрнатилади.

40 ЙИЛДАН СЎНГ

Франция президенти Жак Ширакнинг Жазоирға уюштирган уч кунлик сафарини маҳаллий аҳоли хурсандчиликл билан кутиб олди.

Хатто улар "Ширак - бизнинг президент" деган ёзувларни ҳам кўтариб олишган эди. Елисей саройи матбуот хизмати-нинг билдиришича, ушбу ташриф кўп йилдан буён қийин кел-чаётган Франция - Жазоир муносабатларида янги саҳифа очган. Музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, сиёсий алоқаларни мунтазам йўлга қўиш, Жазоирда демократик ислохотларни амалға оширишда биргаликда ҳаракат қилиш каби соҳалар бўйича муҳим ҳужжатлар имзоланди. 1962 йил Жазоир ўз мустақиллигини эълон қилгандан бери, хали бирор бир Франция раҳбарининг бундай ташрифи кузатилмаган эди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 4 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмға нисбатан қуйидаги кийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	586,29	1 Польша злотийси	246,41
1 Англия фунт стерлинги	1520,96	1 СДР	1325,16
1 Дания кронаси	140,27	1000 Туркия лираси	0,60
1 БАА дирхами	263,19	1 Швейцария франки	712,62
1 АҚШ доллари	966,67	1 ЕВРО	1041,68
1 Миср фунти	173,39	10 Жанубий Корея вони	8,10
1 Исландия кронаси	12,46	10 Япония иенаси	81,77
1 Канада доллари	650,74	1 Россия рубли	30,62
1 Хитой юани	116,79	1 Украина гривнаси	181,21
1 Малайзия ринггити	254,42		

/ Валюта кийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОҚ, ОЙДИН КЕЧАЛАР

Болалигимни эсласам, илик ёз кечалари бўш олдими келади. Ховлимизда бир түп бодом бўлган. Эрта баҳорда қийғос гулларди-ю, ҳеч мева тутмасди. Онам: "Бодом ёлғиз бўлгани учун мева қилмайди", деб тушутирарди. Шу бодом тағида супа бор эди. Кун ботиши билан онам ховлига қўлоблатиб сув сепар, кунбуйи офтобда қизиган ерга хиди супа олдиди раёнхона исига қўшилиб ажиб бир тароват таратар, атроф жимжит бўлиб қолар эди.

Кейин йирик-йирик юлдузлар билан тўлган осмонга тиллақошдек ингичка ой сузиб чиқарди. Ойим ойга тикилиб туриб оҳиста пичирлар эди:

Оймомахон хулла, Канолаги тилла, Субхон алло сизга, Умр берсин бизга...

Шундай деб бозимни силарди. Ой-мома эса бу сеҳри қўйқини яна бир эшиттиса келгандек, муаллақ тўхтаб қолар, юлдузлар ўқиган кўзларини тикиб мулоим бўлиб туришар, онам эртак айтар эди.

Тошлар орасига кириб ғойиб бўлган бахтсиз қизча йиғлаб-йиғлаб қўйиқ айтарди:

Очил-очил, оқ тошлар-а, Мен онамни кўрайин-а, Дийдорига тўяйин-а.

Мен осмондан юлдузимни танладим. Қаранг, ойи, Етти оғайни орасидаги энг ёруғ юлдуз – меники...

Майли, ўғлим. Ўша юлдуз сенки. Анови тўртинчиси – меники.

Нега, ойи, тўртинчиси энг кичкина юлдуз-ку!

Шунинг учун ҳам меники... Тўртинчи юлдуз – етимча юлдуз. Қўрдингми, яхши ўсмай қолган. Етимларга раҳм қилиш керак.

Юлдузлар сирли кўз қисшар, тиллақошдек ингичка ой сирли мўралар, шабада сирли шивирлар, сада-райхон билан тупроқ сирли хид таратар, осмон ҳам, ер ҳам сирларга тўла эди.

Гоҳо-гоҳо осмонда бирдан юлдуз учиб қоларди. Хозиргина ёниб турган юлдуз тўсатдан лоп этарди-ю, ингичка, нурили эг қолдириб ғойиб бўларди. Онам қўчиб тушарди:

«Эси... Бир бечоранинг жони узилди-я... Юрагим шув этиб, онамнинг пинжига қирардим. Ишқилиб, бошқа юлдуз учмасин!»

...Болалигимни эсласам, илик ёз кечалари кўз олдими келади. Билмадим, эҳтимол ўша оқ, ойдин кечаларда онам илк бор қўлимга қалам тутқазгандир.

Юлдуз тўла осмонга тикилган. Эҳтимол, осмондаги энг ёруғ юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, оналарнинг сўнган юлдузлари бирлашиб қуёшга айлангандир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир.

ТАСАЛЛИ

Қабристон жимжит. Фақат йўлакнинг икки четида саф торган миззатераклар қардош устига бош этган фарзандлардек онага ором тилаб алла айтади. Уларнинг мўнгли шивирлаши тиловат садоларига қўшилиб, юракни эзувчи оҳангга айланади...

Оқ сурп ятак кийган, мош-гурч соқоли ўзига ярашган ғўрков юзига фотиха тортиб ўришдан турди:

«Бўлди энди, болам! Бунақада ўзингизни олдириб қўясиз. Дунёнинг ишлари шу экан, илож қанча? – у бир зум

индамай қолади-да, қўшиб қўяди: - Волидаи меҳрибонингиз ҳўп арпақлаган одам эканлар. Тўшақда ётмабдилар, бировга зорикмабдилар... Бунақа беозор ўлим ҳар қимга насиб этавермайди. Нами қуриб улгурмаган тупроқ уюмига тикилганча ўйлайман.

Эҳтимол шундайдир. Онам бу дунёда камсўқумгина яшарди. Ҳеч қимга озор бермасди. Ҳеч қим билан ҳеч нимани талашмасди. Эҳтимол, табиатнинг энг шафқатсиз элчиси билан ҳам олишиб ўтиришни хоҳламагандир. Эҳтимол...

«Қўрдингизми, - дейди қария ўйчан оҳангда, - ўша кун кечаси билан жала қўйиб чиқди. То қабрга қўйғунимизча тинмади. Қўйишимиз билан қарақлаб офтоб чиқди. Бунақа руҳи қоқ одамлар кам бўлади, болам, мен биламан-ку.

Эҳтимол шундай ҳамдир. Балки, одамларнинг дардига шерик бўлавериб қўйиб кетган бу нуруйи қария керакли пайтда ҳар қимга ана шундай тасалли сўзини айтар. Раҳмат сенга, отахон. Эртани-кечми ҳар қимнинг иши тушадиган мана шу қўлларинг учун раҳмат. Ўртаниб турган юракка сув чепа биландиган мана шу ҳамдард қалбинг учун

чироғи ёниқ. -Нега ухламадингиз? Онам яна маънос жилмайди: -Биласан-ку, жон болам, камуйку бўлиб қолганман.

Мен нодон, онамнинг камуйку бўлиб қолганига, ярим кечагача юрамани, тонгатар қайтамани, онамнинг чироғи муттасил липиллаб туришга ҳўп кўнлик-кан эканман.

Қайси кун ишдан кейин москвалик меҳмонларни аэропортга кузатиб қўйдиган бўлдим. Самолёт кечикиб учди. Ярим кечада уйга қайтсам... ҳаммаёқ жимжит. Ҳамма ўз ороми билан... Тўшимда онам чироқ кўтариб юрганмиш.

ҲАҚУШ

Дўстларим: "Жуда сиқилиб кетдингиз, айланб келамиз", деб тоққа судрашди. Алла-паллагача ўтган-кетгандан гапшииб ўтирдик. Қизик, ҳар гал бош устига босиб тушгудек мағрур қад кериб турган тоғларни, улкан новват парчасидек қиррадор қояларни қўрғанда ҳаёт абадий эмаслигини ўйлайман. Қоронғи осмонда яна ҳам қорароқ соядек қилт этмай турган бу қоялар бизга ўша-

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

раҳмат. Фақат... Ҳамма гап ёмғирда бўлса, яна ақалли уч кунгина онамнинг умри қўзилса-ю, кейин ёмғир эмас, муттасил тош ёғса ҳам рози эдим...

Бир ҳафта бўлдики, дўстларим, таниш-нотанишлар эшикдан маънос кириб келишади. Дўстларим жимгина ўтириб, жимгина чиқиб кетишади. Бошқалар оҳиста сўрайдилар:

«Неча ёшда эдилар? Мен айтаман... Айтаману ўйлайман: онанинг ёш-қариси бўладими? Меҳринг ёш-қариси бўладими? Шафқатнинг-чи? Садокатнинг-чи?»

Илгари бир ҳақиқатни билардим. Она учун боланинг қатта-кичиги бўлмайди. Энди яна бир ҳақиқатни англадим. Бола учун ҳам онанинг қатта-кичиги бўлмас экан. Она – она экан. Унга бошқа сифат керакмас.

ТУШ

Туш кўрсам, онам чироқ кўтариб юрганмиш. Юзини аниқ кўрмасмишману, аммо қўлидаги чироқ хира нур сочиб турганмиш. "Кўзингга қара, болам, чукур бор", дермиш нукул. Қарасам, чукур йўқ. Уйғонсам, онам ҳам йўқ...

Баъзан иш билан, баъзан мажлислар билан, гоҳида улфатчилик билан уйга кеч қайтардим. Бир кун Намангандан меҳмонлар келиб қолишди. Уйга боришга кўнмай, ўзимни ресторанга судрашди. Ярим кечагача қолиб кетдим. Уйга қайтганимда қайғим бор эди. Дарвозани онам очди. Совуқда мушдеккина бўлиб дилдираб турибди.

«Шу вақтгача ухламадингизми?! – дедим зарда қилиб. – Эшик очигизга сиздан бошқа одам йўқми?»

Онам маънос жилмайди: -Уйку қатта, болам? Ў-ўтирибман. Эртасига редакцияда навбатчилик қўйилиб кетди. Қарасам, яна онамнинг

ганларнинг неча-нечасини кўрди экан?.. Фақат уларнинг тили йўқ...

Кечаши тунаган жойимиз совуқ эди. Анчагача ухлай олмадим. Ташқарида тераклар шитирлайди. Қаердадир, яқин жойда дарё шовуллайди. Бир маҳал қўлогимга дилни ортиқтиривчи мўнгли товуш чалинди: "Ҳақ-ку, ҳақ-ку..." Бир зум сукунат тушди-да, анча олисдан яна ўша товуш такрорланди: "Ҳақ-ку, ҳақ-ку..."

Бола эдим, гўдак эдим. Онам ака-укалар ҳақида галати бир чўпчак айтиб берган эди. Эмишчи, бир замонлар икки ака-ука яшаган экан. Бирининг оти Илҳақ, иккинчисиники Исҳоқ экан. Иккалеси бир-бирини кўрага кўзи йўқ, жуда ноахил экан. Уларнинг кўнглини оламан, деб икки ўртада оналари адоий тамом бўпти. Шунда қодир Худонинг қаҳри келибди-ю, икковининг ҳам кўзини кўр қилиб, қушга айлантириб қўйибди. Шундагина ака-ука бир-бирини кўрмасга туролмаслигини, бир-бирига керак эканлигини тушунибди. Ушандан бери иккалеси кечалари бўзлаб бир-бирини чақириб чиқишармишу тополмас эмиш...

Ташқарида ҳамон терак барглари шитирлайди. Дарё шовуллайди. Мана шу шовуллаган сукунат ичида дилни титратадиган изтиробли нидо янграйди: "Илҳақ! Ис-хоқ!"

Бечора онам! Ўша изтиробли афсонани айтётганимда инидан мўралаган қалдирғоч боласидек кўрпадан бош чиқариб ётган беш боланг бир-бири билан иноқ бўлишини шўнчалик хоҳлаганимдир!

...Оналар фарзандлари ҳамиша бирга бўлишини истайдилар. Қисмат эса, уларни қанот чиқариши билан ҳар ёққа учириб кетарди. Ҳаёт лоқал шу масалада ҳам оналарга шафқат қилмайди.

(Давоми келгуси сонларда)

МАКТАБДА КЕЛАЖАК ЯШАЙДИ

(Боши 1-бетда)

-Ўқувчилик йилларимда мактабда бизга таълим-тарбия берган, кичик бўлса-да, эришган ютуқларимиздан суюниб, камчилиқларимизнинг барҳам топишига қўмақлаган устозларимга ҳавас билан қарардим. Улардек барчага қўлимдан келганча ёрдамлашишга интилардим. Бу ниятимга олий ўқув юртини тамомлаб, мактабга ўқитувчи бўлиб келганимдан сўнг эришдим, дедим муволафа бўлмайди, деди у биз билан суҳбатда. -Шоғирдларимнинг барчаси ҳалиқимизни ардоқлайдиган, қўларга кўтарадиган, юртининг тинчлиги, фаровонлиги учун ўзида масъулият сезади-лар. Уларнинг орқасидан ҳамиша мактов-ташақкурлар

"Мунозара", "Мусобақа", "Ақлий ҳужум" сингари усуллар ўқувчилар фаоллигини оширапти. Машғулотларда ўқувчиларнинг гуруҳларга бўлиниши ҳам улар ўртасида ижодий рақобат муҳитини яратишга олиб келмоқда. Асосийси, ўқувчиларни ишчанлик туйғуларини уйғотаётир. "Синфлар билан ишлаш" усули ўқувчиларни ўз дарсларини тўғри ташкил қилишга, вақтини тўғри тақсимлай билишга, вазиятга тўғри баҳо беришга, бошқалар билан ҳамкорликда ишлашга ўргатаётганини эътиборга лойиқдир. Ўйлайманки, ўқувчиларим келажақда юрт равнақи учун фидойи, ақл-заковатли инсон бўлиб қамол топадилар.

Ширинхон Эргашева

МУХЛИСА МУХИДДИНОВА



Суратлар Б.АКРАМОВники.

СПОРТ ОЛАМИДА ПОЛВОНЛАР ГИЛАМДА

МХСК спорт мажмуида кураш бўйича 1988-89 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан келган 300 нафар спортчи ёшлар иштирок этишди. Мurosасиз кечган курашларда Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари вакиллари ғолибликка даъвогарликларини яққол исботлашди. Умумжамоа ҳисобида Бухоро вилояти биринчи, Самарқанд вилояти иккинчи, Жиззах вилояти курашчилари учинчи ўринни қўлга киритишди.

АТЛЕТИКА МУСОБАҚАЛАРИ

Республика олимпия ўринбосарлари билим юртида оғир атлетика бўйича 23 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати мусобақалари ўтказилди.

Унда 100 га яқин ўғил болалар 8 та вазнда, қизлар эса 7 та вазнда кураш олиб бординлар. Жаҳон чемпиони Ботир Усмонов каби Осиё биринчилиги ва халқаро турнирлар совриндорлари иштирок этган ўшбу мусобақалар аянгина мurosасиз кечди. 56 килограмм вазн тоифасида даст ва ситлаб кўтариш машқларида Республика олимпия заҳиралари коллежи талабаси Фаррух Хусанова омад қилиб бокди. Пойтахтлик яна бир атлетикачи Руслан Алпанова иккинчи, сурхондарёлик Суннат Музаффарова учинчи ўрин насиб этди. Бошқа вазн тоифаларида ҳам ғолиб чиққан спортчиларга эсдалик совғалари топириди.

ТАЭКВАНДОЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида таэквандо бўйича рангли белбоғ соҳиблари ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 350 нафар 11-16 ёшли спортчилар ўртасидаги беллашуларда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, фарғоналиклар иккинчи, андижонликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР БИРИНЧИ

Қарши шаҳрида Норали Боймуродов хотирасига бағишланган мотопойга турнири ўтказилди. Мудофаага қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташиқоти ташаббуси билан уюштирилган ўшбу мусобақада мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва Тошкент шаҳридан ташриф буурган 132 нафар мотопойгачилар иштирок этишди.

Турнирнинг ғолиблиги учун кураш Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент шаҳри жамоалари ўртасида кечган бўлса-да, биринчи ўринни Тошкент шаҳри спортчилари эгаллашди. Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари жамоалари эса иккинчи, учинчи ўринлар билан қаноқланишди. Турнир якунида ғолиб совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари топириди.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҚАТНАШИШАДИ

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб воғта етишларига имкон яратиш мақсатида академик лицейлар, коллежлар жамоалари ўртасида "Барқамол авлод" спорт ўйинлари ўтказилаётганлиги айтилди.

Кўни кеча Собир Раҳимов туманидаги қурилиш касб-ҳунар миқийи хунармандчилик коллежида пойтахтимиздаги ўрта махсус ўқув юртилари жамоалари, шаҳар спорт мутасаддилари иштирокида "Барқамол авлод" спорт ўйинларининг Тошкент шаҳар босқичи мусобақалари очилишига бағишланган тадбир ўтказилди. Сўнг лицейлар, коллежлар жамоалари ўртасида "Барқамол авлод" ўйинларининг сузиш мусобақаларида старт берилди. Умуман олганда шаҳримизнинг иктидорли 1,5 минг нафар ёшлари ўшбу мусобақаларда спортнинг 14 тури бўйича омадларини сынаб қўришади. Тез қунарда шохмат, шашка, баскетбол, волейбол, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича ҳам мусобақалар уюштирилиб, ғолиблар "Барқамол авлод" спорт беллашуларининг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Имомали УЛҒАТОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Яқасарой тумани ҳўрчилиги томонидан 1996 йил 5 апрелда "Сфера" масъулияти чекланган жамиятига берилган №743 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ақал Иқромов туманидаги "БАУТ UL-MOL" масъулият чекланган жамияти тугатилади. Давлолар эълон босилган кўндан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел: 43-20-31.

Тошкент шаҳар Ақал Иқромов тумани ҳўрчилиги томонидан 1993 йил 18 январда Хисоматова Киффия Хўфизова номига берилган № 01-02/3433 рақамли квартира ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусов тумани ҳўрчилиги томонидан 2000 йил 27 апрелда "Кооператорлар уйи" шўъба ҳўжалик жамиятига берилган АИ № 02340 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжаллиги илмий ишлаб чиқариш маркази жамоаси Вазирлар Маҳкамаси Агрoсoнатoмлексиoти кoтибият мудири Ибoдулло Қалибoевга падари бузруквoри

ЖОНТЎРА ОТАНИНГ

вафoти мунoсабати билан чўкур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадҳикoт институти жамоаси институтуда кўп йиллар меҳнат қилган таниқли oлим, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзoди

Саидами САИДУМАРОВНИНГ

вафoти мунoсабати билан марҳумнинг oила аъзолари ва қариндош-ўруғларига чўкур таъзия изҳoр этади.

Самарқанд вилoяти нефть маҳсуoтлари шўъба корҳoнаси жамоаси корҳoна касаба уoшма қўмитаси раиси Бoбoмурoд Абдўвoитoвга падари бузруквoри

АБДУВOХИД ОТАНИНГ

вафoти мунoсабати билан чўкур таъзия изҳoр этади.

УЯТ КЕРАК...

(Боши 1-бетда)

Ҳазабдан қўқариб кетган қиз бу гапларга тоқат қилармиди, у кўринишидан амакига човут солишга тайёрланаётгандай таассурот қолдириб менда. Хуллас, ўша қизнинг иши кўпчилик-никидан сал олдинроқ битди. (Ёмондан қоч-да, кутул деганларини шу-да). Мен амакига навбатимни бериб, орақорқака ўтдим. Зимдан одамларнинг қизга бўлган муносабатларини кузатдим. Шунда ёши олтинчи-ларни қоралаб қолган аёллардан бирининг: "башараси курсин, отаси тенги одам билан айтишади-я, уялмайди ҳам..." деган гаплари қўлогимга чалинди. Унинг кўзларида ростмана нафрат бор эди.

Гап шундаки, ёшларимиз сажиясига хос бундай қусурлар кейинги пайтларда тез-тез кўзга ташланб бораёпти. Афсуслар бўлсинки, бу ҳақда қанчалик кўп ёзилмасин, кўп гапирилмасин, ҳалигача етарли ўзгаришлар сезилгани йўқ. Автобус, метрополитен ва бошқа қатор жамоат транспортларида ёши катта юртдошларимизга жой бермайдиган, бундан уялиш туйғусини туймайдиган ёшларимизнинг маънавий дунёси қанчалар қашшоқ эканлигидан афсусланиш мумкин. Катта кишига

қандай, ёшларга қандай муносабатда бўлишни билмайдиган ўсмирлар ҳақида куйиниб ёзамиз. Лекин бу билан уларнинг рухиятида олижаноблик, ўзаро меҳр, инсонийлик таъмоилларининг энг юксак намуналарини шакллантириш мумкинми? Бизингча, йўқ. Аввало, ёшлар рухиятида китоб мутлоасига бўлган қучли рағбатни уйғотиш, инсоннинг онгли ҳаётда китобнинг бениҳоя катта ўринга эга эканлигини сингдириш лозим бўлади.

Негаки, китоб ўқиган болада ҳаёт ҳақида теран мулоҳазалар: инсонга ҳақда этилган ҳаётни мазмунли ўқизиш зарурлигини, унинг муттасил курашлардан иборатлиги ва бошқа бир қатор олижаноб фазилатлар кўртат отади.

Дарвоқе, биз ёшларимиз ўртасида мавзумизга дахлдор қирралар хусусида фикр юритаётган эдик. Буни қарангки, Абдулла Қодирийдек сўз зарғари ҳам "уялиш" иборасига алоҳида нисбат берган экан: "...Раъно яна бир неча ғўжумларни териб Анварга узатди.

-Башарти, дадам бизни қидириб, гулнинг тағидан топса, нима қиламиз?

-Нима қилар эдик?... Сен уйингга кетасан, мен

бўлсам меҳмонхонага.

-Икковингиз гулнинг тағида нима қилиб ўтирган эдингиз, деб сўраса, нима деб жавоб берамиз?

-Ўзимиз ўлтирган эдик, деймиз.

-Нима учун деса-чи?

-Қизингиз уялгани учун, деймиз..."

Ўзбек адабиётида "Меҳробдан чаён" номи билан шуҳрат қозонган романдан келтирилган ўшбу парчада, ўтган аср бошларидаги маънавий иқлимга ҳос фазилат юзага қалқийди. Аниқроғи, шом номозини ўқиб, уйига қайтган Солиҳ маҳдум, Анварни ҳам, Раънони ҳам "жазо"лаши мумкин эди. Аммо, оиладаги Анварга нисбатан уйғонган ҳўрмат (у шу пайтларда хон саройида сармунийишайка тайинланганди), қолаверса, икки ёш ўртасида кўндан-кўнга мустаҳкамланиб бораётган севиғи ришталари бунга монелик қиларди. Қодирийнинг гўзал лабзиди: "қизингиз уялгани учун" деган сўзлар дурдонаси бетакорр маъно, қаҳрамонлар рухиятидаги муштарак жиҳатларни очиб бера олган. Демократизми, бугунги кун ёшлари Отабеклар, Қўмушлар, Анвару Раъноларнинг ички оламига ҳос фазилатлардан улғу олсин, улар қадрлаган туйғуларга ҳамиша содиқ қолсин.

Хидирали ПАНЖИЕВ

БУ ҲАҚДА МЕНГА ОТАМ АЙТИБ БЕРГАН ЭДИЛАР. У КИШИ ЎША ПАЙТЛАРДА ЖУДА ЁШ БЎЛГАН ЭКАНЛАР.

Қўшларни Тапу мамони негадир ҳамқўшқорлари "илон ютган аёл" дейишаркан. Шунданми, отам ҳар гал шу кампирга дўч келганида, тирақайлаб қўчиб қоларкан.

Бу ҳолатни бир неча бор кузатган Тапу мома бо-бомдан ҳафа бўлиб, дебдилар:

«Нега шу ўлгингиз мени кўрса қўрқиб кетади, қанд-курс бераман, деб шунча илинсам ҳам яқинимга йўламайди. Шунча қўрқинчимамми? – дебдилар астойдил раққиб.

Аслида у келишган, қадамларидан ўт чақайдиган, бўғалиқона жувон экан. Шунда бобом, ўғлини бир кўни ёнига қақариб бор ҳақиқатни айтиб берибди.

«Тапу мома билан Бердибой бобонинг болалари кўп бўлган. Ана шу болаларни боқамиз, деб боққилар кун чиққанидан далага йўл олишган. Биринчи қор тушгунча уйлари қайтишаркан. Тирқичилик-да. Бир кўни қоқ туш пайтида Бердибой чўйласига келса, хотини озғина очиб, донг қотиб улаб ётибди. Уласа майли-ю, бир илон силлиқичча бўлиб оғизга кириб кетаётдибди. Думидан тортиб қилишча улгурмади, бунинг устига хотини ўйғониб, билиб қолса юраги ёрилиб ўлиб қолиши мумкин. "Аллоҳим, энди ўзинг қўлла", дея илтико қилишдан ўзга чораси қолмади. Хотин кўзини очиб, эрини кўрди ва

шошиб-пишиб тушлик ҳозирлашга киришиб кетди.